

«Нур» сурасининг учинчи оятида «Зинокор эркак зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур» деган оят бор

21:19 / 27.04.2016 4728

САВОЛ - «Нур» сурасининг учинчи оятида «Зинокор эркак зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур» деган оят бор. Агар шундай бўлса, зинокор эр покиза аёлга уйланса, ёхуд акси зинокор хотин покиза эрга турмушга чиқса. Бу оятдан мурод ёки оятнинг ҳикмати нимада?

ЖАВОБ - «Нур» сурасидаги бу оятда Аллоҳ таолдо марҳамат қилиб айтганки, “зинокор эркак фақат зинокор ёки мушрика аёлга никоҳланур, зинокор аёлга фақат зинокор ёки мушрик эркак никоҳланур бу мўминларга харом қилингандир” дейилган. Саволда “уйланур” дейилган “уйланиш” бу тор маъно, лекин “никоҳ” сўзи кенг маънони ифода қилади. Бу ояти кариманинг маъноси тўғрисида уламолар, турли ижтиҳодларни қилганлар. Жумладан айнан “никоҳ” сўзини маъноси атрофида ҳам гаплар бўлган. “Никоҳ” сўзи сиз билан бизни урфимизда кенг тарқалиб қолган, эркак аёлни никоҳланиб, оила қуришини билдириш билан бирга аслида “никоҳ” сўзи “жинсий алоқа маъносини англатади”. Ана шу “жинсий алоқа маъносини англатади” деган уламолар оятни демак зино қилаётганлар иккови ҳам зоний бўлади. Зония ёки мушрик билан ёки зинокор билан бирга бўлган жинсий алоқа қилгандек бирибир, эркак ҳам шундай деган маънони билдиради, деб айтган уламолар ҳам бор. Ёки “зинокор зинокор аёлга уйланади ёки мушрика аёлга уйланади, зинокор аёл ўзи билан зино қилган эркакка турмушга чиқади ёки мушрикка турмушга чиқади, деган маънони билдиради, булар барчаси мўминалар учун харомдир” деган маъно ҳам бор. Учинчиси “зинокор эркак ёки зинокор аёл зиносидан тавба қилмасдан яна турмушга чиқиб кетса ўша зинокорлигича қолади” деган маънони айтишган. Ва бунда “зинодан кейин тавба қилсаю, қайтиб зинога бормаса бировга никоҳланса бўлади” деган маъно чиқади. Худди шу маънони кўпчилик уламолар олишган. “Зинокор шахс эркак бўлсин, аёл бўлсин зинодан кейин никоҳланиб, ҳалол, пок турмуш қурса бўлади, ўша зиносидан тавба қилиб унга қайтармаслик йўли билан” дейилган маъноларни айтишган. Мана шу демак тушунчаларни тушуниб олишимиз яхши бўлади бу оятни ахкомларини ўрганишимиз жараёнида.